



ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

Намозов Олим Ботирович,

PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси ўқитувчиси,

Тошкент, Ўзбекистон. Email: olimnamozov260628@gmail.com

ORCID: 0000-0001-9934-5743

SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE USE OF INVESTMENTS.

Namozov Olim Botirovich,

PhD, Lecturer of the Department of “Economic theory”

Tashkent state university of economics,

Tashkent, Uzbekistan. Email: olimnamozov260628@gmail.com

ORCID: 0000-0001-9934-5743

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимиздаги инвестиция билан bogliq бўлган молиявий жиҳатлар, инвестицияларнинг мамлакатимиз тармоқ ва соҳаларига йўналтирилганлиги, уларнинг тармоқ ва соҳалар билан узвий bogliqlikда эканлиги қолаверса инвестицияларнинг улуши ҳақида сўз боради. Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларини бозор муносабатлари асосида ташиқ қилиш босқич ва жараёнларида хўжалик юртишининг турли мулкчилик шаклларидаги ташиқий-ҳуқуқий субъектлари ривожланиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қийматида давлат мулкнинг салмоғи камайиш, нодавлат сектори улуши эса ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Натижада, ЯИМ қийматида даромадлар таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициянинг бозор шаклларига ўтиш жараёнига нодавлат корхона ва ташиқотларини, шунингдек хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри инвестицион фаолиятларга кенгроқ жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар

яратмоқда. Бунинг самараси ўлароқ Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион фаолиятни тобора фаоллаштиришида давлатнинг бевосита инвестор сифатидаги роли ва ўрни камайиб, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришида кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестицион инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, махсус молия-кредит инвестиция институтлари кабиларнинг шаклланиши билан ифодаланади.

Abstract: Abstract: This article analyzes the financial aspects of investment activity in the Republic of Uzbekistan, the distribution of investment flows by branches and sectors of the national economy, their mutual conjugation, as well as the share of investments. It is known that at the stages of the formation of the real sector based on market principles, the range of organizational and legal forms of management of various forms of ownership is expanding; At the same time, the share of state ownership in gross domestic product (GDP) is decreasing, while the share of the

non-governmental sector is showing steady growth. As a result, the income structure of GDP is being transformed and favorable conditions are being created for the transition from centralized allocation of capital resources to market-based investment mechanisms, which contributes to a more active involvement of non-governmental enterprises, organizations and foreign investors in direct investment activities. The consequence of these processes is the reduction of the role of the state as a direct investor and the simultaneous strengthening of the position of private capital. This trend leads to the emergence of new institutional formations and the formation of elements of investment infrastructure, such as commercial banks and specialized financial and credit investment institutions.

Калим сўзлар: инвестиция, тўғридан тўғри хорижий инвестиция, ялпи ички маҳсулот, инвестицияларни молиялаштириш, корхона маблағлари, аҳоли маблағлари, инвестицион лойиҳалар, аҳоли бандлиги, аҳоли турмуш тарзи.

Keywords: investment, direct foreign investment, gross domestic product, investment financing, enterprise funds, population funds, investiture projects, employment, population lifestyle.

Кириш. Бугунги кунда мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамиятида, давлатлараро пул ўтказмалари, моддий кўринишга эга бўлган, янги ишлаб чиқариш турини яратадиган, худудий ишлаб чиқариш даражасини оширишга хизмат қиладиган инвестициялар ҳақида илмий қарашларимиз билан ўртоқлашамиз. Ҳеч кимга сир эмаски бугунги кунда мамлакатлар ўртасида инвестицияларни экспорт қиладиган ҳам импорт қиладиган

давлатлар бир-бирларидан яққол ажралиб туришибди.

Масалан, 2020 йили инвестициялар оқими пандемия оқибатида 35 фоизга камайиб, 2019 йилга 1,5 триллион доллардан, 1 триллион долларгача камайди. Бу 2005 йилдан кейинги, ҳамда 2009 йилдаги жаҳон молиявий инқирозидан кейинги даврга нисбатан қарийб 20 фоизга камдир. COVID-19 пандемияси сабабли инвестициялар оқими бутун дунёда секинлашди. Хорижий инвестициялар оқимининг камайиш тенденцияси, дунё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотлари камайиш тенденциясидан ортиқроқни ташкил қилди. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти инвестиция оқими 58 фоиз, Европада 80 фоиз, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида 8 фоизни ташкил қилган бўлса, Осиёда инвестициялар оқими 4 фоизга ортиб, бу 19 триллион долларни ташкил қилди. “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо тараққиёт конференциясида эълон қилинишича, 2020 йилда инвестиция манбалари бўйича энг катта бўлган мамлакатлар биринчи ўринни Хитой 71 фоиз, АҚШ 54 фоиз ҳамда Германия мамлакати 36 фоизни ташкил қилган”[1].

Бугунги кунга келиб, инвестицион муҳит – бу инвестицион қўйилмаларни белгилаб берувчи ва унинг рентабеллигини аниқлайдиган асосий индикаторлардан бири бўлиб ҳисобланади. Унга таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида сиёсий барқарорлик, хавфсизлик ва адолатли солиқ ставкалари шаффофлигини мисол тариқасида айтсак бўлади.

Материал ва метод. Иқтисодиётга инвестицияларини жалб этиш, айниқса, ривожланаётган ва кам ривожланган миллий иқтисодиётлар учун янада муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган ва

кам ривожланган миллий иқтисодиётлар моддий неъматларни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун молиявий маблағ, янги технология, замонавий техника, телекоммуникация воситалари ва бошқаларга эҳтиёж сезади, уларни жалб этишнинг энг қулай ва оддий йўли инвестицион муҳитни яхшилаш ҳамда иқтисодиётга турли манбалардан инвестицияларни жалб этишдир, бу жабҳада айниқса “тўғридан тўғри хорижий инвестиция мамлакат

иқтисодиётини ривожлантиришда энг асосий омиллардан ҳисобланади”[2].

Шу нуқтаи назардан инвестицияларнинг кенг кўламда жалб қилиниши миллий иқтисодиётни ривожлантиришда бирламчи аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда инвестиция тушунчасини ёритиб берган хорижий ва маҳаллий олимларнинг таърифларини 1-жадвалга асосан келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

1-жадвал.

Инвестиция иқтисодий категориясининг таърифланиши¹

Муаллифлар	Таъриф
Макконел К.Р., Брю С.Л. (1992 й)	Инвестициялар – келгусида (эҳтимол, номуайян) қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир.
Игошина Л.Л. (2005 й)	Инвестициялар – пулни сақлаш, кўпайтириш ёки ижобий миқдордаги даромадни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уни жойлаштириш мумкин бўлган ҳар қандай восита сифатида ифодаланади.
Нешитой А.С. (2006 й)	Инвестиция – фойда олиш ёки бошқа самараларга эришиш мақсадида ўз ёки ўзга мамлакатнинг турли тармоқларига, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган пул маблағларини (капитал) узоқ муддатда жойлаштиришдир.
Староверева Г.С., Медведов А.Ю., Сорокина И.В.	Инвестициялар иқтисодий фойда ва ижтимоий самара олиш мақсадида инвестиция соҳаси объектларига киритиладиган барча турдаги мулк ва интеллектуал бойликларни акс эттиради.
Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари., иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун	Давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакат ичкарасида ва ташқарисида янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, кўчмас мулк, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда активларни сотиб олишга йўналтирилаётган молиявий маблағлар, мулк ва интеллектуал бойликларга инвестициялар дейилади.

¹ Манба: Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.

ёзилган диссертация, 2008 й., 23-б.	
Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. Т.: БМА, 2010. 10-бет.	Инвестиция – аграр соҳада фаолият юритадиган барча тоифадаги хўжаликларга пул, шунингдек, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар бериш ҳисобидан инвестор томонидан фойда ва ижтимоӣ самара олишга қаратилган сармоялашдир.

Умуман олганда, энг охирги тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, инвестицияларнинг ўсишининг ижобий таъсири мезбон мамлакатларнинг сиёсати ва муҳитига, шу жумладан молия секторининг ривожланиши, инсон капитали, савдо очиклиги ва иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлигини кўрсатмоқда[3].

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган илмий ишлар мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Б.Маматов, Д.Хужамқулов, О.Нурбеков, Ж.Каримқулов, А.Сотволдиев, Г.Каримова ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб ўтилган.

Б.Маматов, Д.Хужамқулов, О.Нурбековлар тадқиқотларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт ривождаги аҳамиятига эътибор қаратишади, хусусан, бу турдаги инвестициялар ишлаб чиқариш капиталини тўғридан-тўғри товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтирилишини ҳамда фирма ёки корхона акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш, ишлаб чиқариш қувватларини куриш, қўшма корхоналарни барпо этиш ва х.к.лар орқали киритилиши келтиришади[4].

Иқтисодиётни фаол ривожлантиришда чет эл инвестицияларни жалб этиш муҳим омиллардандир, эркин иқтисодий ҳудудлар орқали миллий иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириб бориш хорижий инвестициялар билан ишлаш борасида асосий воситалардан бирига айланиб бормоқда[5].

Иқтисодчи олим Г.Каримова тадқиқотида мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг ҳудудлараро нотекис тақсимланганлиги жиддий муаммолардан саналганлиги боис, бунга ечим сифатида, айнан ҳудудларга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган корхоналарга солиқ имтиёзларини тадбиқ қилиш амалиётини жорий қилишни таклиф қилган[6].

Иқтисодчи олим А.Сотволдиев илмий ишида хорижий инвестициялар кўламини ошириш учун корхоналарни инвестициялашнинг “round-tripping” ва BOT (built-operate-transfer) усулларида фойдаланишни таклиф қилади. Инвестициялашнинг мазкур усулларида фойдаланишнинг ижобий хусусиятлари сифатида:

– давлат инвестициялашни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, аммо бюджетдан харажат амалга оширилмайди;

— тузилган инвестицион битим муддати якунига етгач, давлат тайёр ишлайдиган объектга эга бўлади;

— инвестициялаш давлатга ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради[7].

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасини кўрсатувчи асосий ва муҳим индикатор шубҳасиз мамлакат ЯИМ ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳисобланади.

Мамлакатнинг ривожланганлик даражасини баҳолашда мана шу кўрсаткичлар дунёнинг бошқа мамлакатлари кўрсаткичлари билан таққосланади.

Иқтисодиётни ривожлантирувчи ва реал ЯИМ ҳажмини ошириш бевосита ишлаб чиқариш фондларини кенгайтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ишлаб чиқариш фондларини кенгайтириш учун инвестиция (капитал) талаб қилинади. Инвестициялар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга, асосий капитални кўпайтиришга ва айланма капитал ҳамда моддий заҳираларга пул шаклидаги қўйилмалардир. Кўплаб иқтисодий адабиётларда инвестицияни “иқтисодиётни драйвери” сифатида таъкидланиши бежиз эмас.

Натижалар. Асосий капиталга инвестициялар иқтисодий

ривожланишнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади, чунки улар янги иш ўринларини яратишга, инфратузилмани модернизация қилишга ва мамлакат рақобатбардошлигини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

2024-йилда Ўзбекистон Республикаси капитални жалб қилишда сезиларли муваффақиятларга эришди. Бу ўтган йилга нисбатан инвестицияларнинг 127,6% га ошганида намоён бўлди. Шу ўринда инвестициялар динамикаси кўрсаткичларига эътибор берсак.

Сўнгги беш йилда асосий капиталга инвестициялар ҳажми деярли 2,3 баробар ошди, бу эса иқтисодий сиёсатдаги муҳим ўзгаришлар ва инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларнинг самараси ҳисобланади. Агар 2020-йилда инвестициялар ҳажми 210,2 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2024-йилда бу кўрсаткич 493,7 триллион сўмга етди. Ўсиш суръатлари изчил ошиб борган: 2021-йилда 102,9%, 2024-йилда эса 127,6% ни ташкил этди.

Инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра кафолатланган хорижий инвестиция ва кредитлар 159,6 трлн.сўмни ташкил қилди. Бу инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари ичидаги энг катта улушга эга эканлиги билан ажралиб туради.

2-жадвал.

Инвестицияларни молиялаштириш манбаларига кўра тақсимланиши

Кафолатланган хорижий инвестициялар ва кредитлар	159,6 трлн.сўм
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	150,5 трлн.сўм
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар	23,6 трлн.сўм
Корхоналар маблағлари	87,0 трлн.сўм
Аҳоли маблағлари	32,0 трлн.сўм

Таъкидлаш жоизки, хорижий инвестициялар катта улушни ташкил этди 338,8 трлн.сўм, бу халқаро


инвесторларнинг кундан-кун Ўзбекистон бозорига қизиқиши ортиб бораётганидан далолат эканини кўрсатади.

Жадвал маълумотларидан шундай хулосага келиш мумкинки, кафолатланган хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши энг юқори бўлиб турибди. Кафолатланган хорижий инвестициялар ва кредитлар қарийб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдоридан 9,5 трлн.сўмга кўп демакдир. Ўзбекистон

Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар миқдори энг кам 23,6 трлн.сўмни ташкил қилади.

Бу кўрсаткич аҳоли маблағларидан 8,4 трлн.сўмга ёки бўлмаса 73,7 % га кам деганидир.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми таҳлилини кўриб ўтсак.



1-расм. Асосий капиталга хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми, ўсиш суръатлари ва АҚШ долларларидаги эквиваленти маълумотлари келтирилган².

Мазкур маълумотлар хорижий инвестициялар ҳажмининг айниқса 2023 ва 2024 йилларда тез ўсаётганини кўрсатади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизга киритилаётган инвестициялар миқдори йилдан-йил ортиб бораётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу даврлар оралиғи фақатгина пандемия йилларида инвестициялар ҳажми камлиги, қолаверса инвестицияни экспорт қиладиган мамлакатларда ҳам иқтисодиётни ҳаракатга келтириб турувчи куч яъни

инсонлар билан боғлиқлигини, дунёнинг қолган гегемон давлатларида ҳам инвестициялар оқими анчагина пасайганига амин бўлишимиз мумкин.

Бундан ташқари, хорижий инвестицияларнинг кўп қисми ишлаб чиқариш саноатига 119,2 трлн.сўм. (9,42 млрд.долл.) электр ва газ билан таъминлаш саноати 65,0 трлн.сўм. (5,14 млрд.долл.) ҳамда тоғ-кон саноати 57 трлн.сўм. (4,51 млрд.долл.)ни ташкил қилган. Бу саноат тармоқларига сафарбар қилинган инвестициялар миқдори,


² <https://invexi.org/uz/press/investments-in-fixed-capital-of-the-republic-of-uzbekistan-in-2024/>

саноатнинг энг керакли, мамлакат бюджетининг даромадларини кўпайтирувчи ва юқори солиқ тўловчи тармоқлари ҳисобланади.

2024 йил учун UNCTAD Жаҳон инвестиция ҳисоботини эълон қилди, унга кўра глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2% га камайиб ва

иқтисодий ўсишнинг секинлашиши ва геосийёсий кескинликнинг ошиши шароитида 2023 йилда 1.3 трлн.долл.га камайганига гувоҳ бўлишимиз мумкин[8].

Шу ўринда мамлакатимизга киритилган хорижий инвестицияларни ҳам мамлакатлар кесимида таҳлилини кўриб ўтсак.



2-расм. Асосий инвестор давлатлар³ (2024 йилда Ўзбекистонга киритилган хорижий инвестициялар млрд.долл.)

Мазкур расм маълумотлари шундан далолат берадики, дунё мамлакатларига инвестициялар экспорти билан етакчиликни ҳеч кимга бермай келаётган Хитой, мамлакатимизга киритилган инвестицияларни 40% ни ташкил қилмоқда. Бундай катта миқдордаги сармояларнинг сарфланиши Хитой мамлакати томонидан ишлаб чиқаришни тур-туман шакллари ва маҳсулот диверсификация кундан-кунга шаклланиб бораётганидан далолатдир.

Бундан кейинги ўринларни ҳамда киритилган инвестициялар бўйича учликни Россия Федерацияси 3,49 млрд.долл. ва Туркия мамлакати 1,79

млрд.долл. ҳисобига тўғри келишини кўришимиз мумкин.

Мунозара: Мамлакатнинг комплекс ривожланишини таъминлаш ва инвестициялар миқдорини ошириб бориш бўйича кўплаб илмий ишлар олиб борилган бўлиб, бунда объект сифатида олинган мамлакат ва унинг турли ҳудудлари салоҳиятини ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларни баҳолаш, ҳудудлар бўйича инвестиция муҳити, инвестициялар сифими ва самарадорлигини ўрганиш энг асосий вазифа бўлиб бугунги кунда ҳар қандай мамлакат олдида турган сармояларга таянган молиявий, глобал-инвестицион вазифалардан бири ҳисобланади.

³ <https://invexi.org/uz/press/investments-in-fixed-capital-of-the-republic-of-uzbekistan-in-2024/>

Инвестицияларнинг технологик таркибини кўриб ўтадиган бўлсак куйидаги маълумотларга дуч келамиз. Жами инвестицияларнинг 46,9 %и, 231,4 триллион сўм маблағ машина ва инвентарларга сафарбар қилинган. Бундан фарқли ўлароқ қурилиш ва монтаж ишлари учун 212,8 триллион сўм (43,1 %), бошқа харажатлар бўлса 49,5 триллион сўмни яъни 10,0 %ни ташкил қилган.

Йил сайин мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларнинг ёки маҳаллий инвестициялар (корхоналар маблағлари ва аҳоли маблағлари)нинг миқдор ва улушлари ортиб бораётганлигини англаш қийин эмас. Бу ўз ўрнида мамлакатимиз макроиқтисодий кўрсаткичлари ва ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг мутассил ошиб бораётганлигини билдиради.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда ҳудудларнинг ўрни беқиёсдир. Ўша жой (ҳудуд)ларда амалга оширилаётган комплекс тадбирлар, тадбиркорлик учун яратилган шароитлар ҳамда рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қиладиган институционал тузилмаларнинг ривожлангани алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир ҳудудда ялпи ҳудудий маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бориши, иқтисодиётда банд аҳоли даромадларининг ошишини, корхона ва заводлар фойдасининг ва албатта давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайишини таъминлайди. Турли ҳудудларда мавжуд иқтисодий, табиий ресурсларнинг чекланганлиги ёки камлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини максимал даражага олиб чиқиш борасида турли илмий ва амалий ишларни амалга ошириш зарур. Ҳудудларда чекланган (кам) ресурслардан фойдаланишнинг, ишлаб чиқариш имкониятларини

оширишнинг энг самарали усули – ўша ерларда мавжуд бўлган ресурслардан оптимал фойдаланиш ва юқори технологияга асосланган қўшимча капитал ресурсларни сафарбар қилишдан иборат.

Бунинг учун ҳар бир давлат ўзининг трансчегаравий ҳудуди ичида энг аввало инвестицион муҳитни соғломлаштириш ва унинг учун хизмат қиладиган, инвесторларнинг доимий диққат марказида бўладиган, асосий иқтисодий ва молиявий термин ҳисобланмиш солиқ сиёсатини оқилона ва оқиллик билан таъминлаши зарур.

Г. Бирман, С. Шмидтлар инвестиция лойиҳаларини иқтисодий баҳолашда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратган:

- ◆ лойиҳанинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири баҳоланади;

- ◆ киритилаётган ресурслар ва олинаётган маҳсулотлар уларнинг миллий иқтисо-диёт учун ҳақиқий кадр-қимматини акс эттирадиган ноаниқ баҳоларда баҳоланади;

- ◆ таҳлилга иқтисодиёт учун бевосита таъсир этувчи жиҳатлар киритилади (импортга, экспортга, аҳоли бандчилигига, чет эл валютасига, талаб ва таклифга, экологик аҳволга ва ш.к.), шунингдек билвосита таъсирлар (бошқа соҳаларга бўлган таъсири, ш.к.) ҳам киритилади;

- ◆ ижтимоий шарт-шароитлар ҳисобга олинади ва ҳоказолар[9].

В. Беренц, П.Хавранекслар фикрича, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашга асосланган, уларни ўзаро таққослай оладиган усуллар кенг қўлланилади[10].

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни замон билан

хамнафас бўлган ҳолда янада ривожлантириш, уни янги босқичга кўтаришда институционал ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқишда, дарҳақиқат такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан максимал фойдаланиш, хусусан барча моддий ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларини жалб этишда инвестициялар оқими ва уни самарали йўналтириш бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилини амалга ошириш лозим.

Бу борада юртимизда олиб борилаётган илмий – амалий ишларни мисол тариқасида айтсак мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 майдаги «Худудларда микросаноат марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-сон қарори билан микросаноат марказлари учун ер участкаларини ажратиш ва уларда тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш тартиби ишлаб чиқилган.

Микросаноат марказлари худудларнинг ихтисослашуви ва тадбиркорлик анъаналари (худудларнинг драйвери), юқори даромадли иш ўринларини яратиш, шунингдек, хорижий давлатлар (Хитой, Жанубий Корея, Туркия) тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган алоҳида концепция асосида барпо этилиши белгиланди.

Микросаноат марказларида хунармандчилик, тикувчилик, пойабзалчилик, қандолатчилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланадиган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари жойлаштирилиши назарда тутилган[11].

Бундай микросаноат марказларининг очилиши энг аввало

саноат тармоқлари ва турли хил соҳаларнинг хилма-хиллиги ошишига замин яратади.

Бундай кенг турдаги ишлаб чиқариш замирида тикувчилик, хунармандчилик ҳамда қандолатчилик турларини оммалашуви, маҳсулот диверсификациясининг кўпайиши, истеъмолчи таъбири билан айтганда маҳсулотларга бўлган талабни янада оширади. Бу ўз ўрнида ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқишини, иқтисодиётда иш кидириб юрган фаол аҳоли қатлами сонини камайтириб, айнан иқтисодиётда банд аҳоли сонини ошишига тurtки бўлади. Бундай инвестицион янгиликлар шубҳасиз, аҳолининг иш билан таъминланиши албатта мамлакат миқёсида аҳоли турмуш тарзини янада яхшиланишига, даромадлар ошишига, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтишига, ишсизлар сонини камайтишига, товар ва хизматларга бўлган талабнинг ортишига қолаверса бюджетга келиб тушадиган даромадларнинг ортишига олиб келади.

Хулоса. Пандемия даврида турли мамлакатлар кесимида инвестицияларнинг оқими ва инвестициялар ҳаракати анчагина сустлашди. Бундан кўпроқ инвестиция экспорти билан шуғулланадиган, ўз маблағларини чет эл мамлакатларига киритиб мўмайгина даромад оладиган мамлакатлар ўзлари мўлжаллаган даромадни кўлга киритаолмадилар. Дунёнинг ривожланган гегемон давлатлари ҳам мана шундай вақтда ўзлари ҳохлагандек даромадга эга бўлмадилар. Қисқа килиб айтганда инвестициялар ҳаракати анчагина пасайиб дунё ЯИМи ҳажми ҳам прогноз қилинган даражага етмади. Қолаверса мамлакатимизда ҳам айнан пандемия

даврида инвестицияларнинг аниқроқ айтадиган бўлсак хорижий инвестициялар оқими (кирими) анчагина камайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилаётган инвестицияларнинг йил сайин кўпайиб бораётганлиги 2024 йил 152,1 %га ошиб, асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар қарийб 26,5 млрд.долларни ташкил қилган. Бу мос равишда ўтган 2023 йилга қараганда

9 млрд.доллардан ортиқроқни ташкил қилади. Бу ҳам мамлакатимиздаги инвесторлар ва хорижий сармоядорлар учун давлат томонидан ажратилган ва уларга бўлган эътибордан далолат беради. Бундай сармояларнинг киритилиши Ўзбекистон билан чет эл мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни янада мустахкамлаб, мамлакатнинг экспорт даражасини янада ошириб боради десак муболаға бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_en.pdf
2. James E. Anderson, Mario Larch, Yoto Yotov. Trade and Investment in the Global Economy. NBER Working Paper No. 23757 (2017) 1879-1913. https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=3031728
3. Q. Kong, R. Guo, Y. Wang, X. Sui, S. Zhou. Home-country environment and firms' outward foreign direct investment decision: evidence from Chinese firms. Econ. Modelling., 85 (2020), pp. 390-399. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264999318311738>
4. Маматов Б.С., Хужамкулов Д.Й., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Т.: Иқтисод-Молия, 2014. 94-бет. 608 бет.
5. Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2019. 33-бет. 77 б.
6. Каримова Г.А. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2019. 29-бет. 61 б.
7. Сотволдиев А.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўғридан-тўғри инвестициялар кўламини ошириш йўллари (Анджон вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 2019. 24-бет. 52 б.
8. <https://rspp.ru/events/news/yunktad-mirovye-investitsii-sokrashchayutsya-668f8337b462a/#:~:text=%D0%9E%D0%BF%D1%83%D0%B1%D0%BB%D0%B8%D0%BA%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D0%BD%20%D0%94%D0%BE%D0%BA%D0%BB%D0%B0%D0%B4%20%D0%AE%D0%9D%D0%9A%D0%A2%D0%90%D0%94%20%D0%BE%20%D0%BC%D0%B8%D1%80%D0%BE%D0%B2%D1%8B%D1%85,%D1%80%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B0%20%D0%B8%20%D1%80%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B0%20%D0%B3%D0%B5%D0%BE%D0%BF%D0%BE%D0%BB%D0%B8%D1%82%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D>



[0%BA%D0%BE%D0%B9%20%D0%BD%D0%B0%D0%BF%D1%80%D1%8F%D0%B6%D0%B5%D0%BD%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B8.](#)

9. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов М.: - Банки и биржи ЮНИТИ, 1997. – С . 613.
10. Беренц В., Хавранекс П. Руководство по оценке эффективности инвестиций, пер.с англ. А.П. Белых, М.: - Инфра-М, 1995. – С. 60-80. Богатин Ю.В., Швандар В.А. “Инвестиционный анализ”: Учебное пособие для вузов.-М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – С. 142-162.
11. <https://yuz.uz/news/hududlarda-mikrosanoat-markazlari-yaratiladi>